



Каттакўрғон шаҳар Ингичка кўрғони “У.Носир” маҳалла фуқаролар йиғини  
худудидаги юқори кучланишли потстанция атрофидан фуқаро Рустамов  
Баходир Рахмоновичга 0,30 га ер майдони ажратиш тўғрисида

Каттакўрғон шаҳар А.Навоий 205 уй 41 хонадонда яшовчи фуқаро Рустамов  
Баходир Рахмонович томонидан Ингичка кўрғони худудидаги юқори кучланишли  
потстанцияси атрофидаги бугунги кунда фойдаланилмасдан турган 0,30 га ер  
майдонидан боғ қилиш ва атрофини ободонлаштириш учун ажратиб беришни  
сўраб ёзган аризаси, шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган комиссия аъзоларининг  
далолатномаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7-моддаси ҳамда  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25 моддасига асосан;

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган комиссия аъзоларининг  
далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Рустамов Баходир Рахмоновичга Ингичка кўрғони “У.Носир”  
МФЙ худудидан шаҳар ҳокимлиги захирасидаги фойдаланилмасдан турган  
тошлок тоғ олди худудидан 0,30 га ер майдони боғ ва ободонлаштириш учун  
ажратилсин.
3. Ерни натура тарзда жойида ўлчаб бериш шаҳар бош архитектори  
(О.Розиков) ва Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат  
корхонасининг Каттакўрғон шаҳар филиали бошлиғи (У.Туропов)лар зиммасига  
юклатилсин.
4. Фуқаро Рустамов Баходир Рахмоновичга боғ ва ободонлаштириш учун  
ажратилган ер майдонида белгиланган муддатларда боғ яратиш ишларини олиб  
бормаса қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонини шаҳар ҳокимлиги  
захирасига қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.
5. Фуқаро Рустамов Баходир Рахмоновичга боғ ва ободонлаштириш учун  
ажратилган ер майдонини бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмаслиги  
қўрсатиб ўтилсин.
6. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари  
Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

М.Хашимов